“**ТАСДИҚЛАНГАН”**
“Buxoroneftgazparmalash”
акциядорлик жамияти
акциядорларининг 2016 йил 17
июндаги умумий йиғилиши
қарори билан, баённома №1.

“Buxoroneftgazparmalash” акциядорлик жамиятининг

“МАНФААТЛАР КЕЛИШМОВЧИЛИГИДА ҲАРАКАТ ҚИЛИШТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА”ГИ НИЗОМИ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур низом Ўзбекистон Республикасини амалдаги қонунчилиги, **“**Buxoroneftgazparmalash**”**акциядорлик жамиятининг (кейинчалик матнда - Жамият) Низоми ва “Корпоратив бошқарув Кодекси”га мувофиқ ишлаб чиқилди ва Жамиятда пайдо бўладиган манфаатлар келишмовчилигини аниқлаш ва ҳал этиш тартибларини белгилаб беради.

2.Жамият фаолиятини амалга оширилишида Жамиятнинг (унинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари, ходимлари) ва кредиторлари, контрагентлари, бошқа мижозлари (кейинчалик матнда- Мижозлар) ўртасида мулкий ёки бошқа манфаатлар келишмовчилиги пайдо бўлиши мумкин, бунда Жамият бошқарув ва назорат органлари ёки унинг ходимлари ҳаракати (ҳаракатсизлиги) натижасида акционерларнинг қонуний хуқуқ ва манфаатлари бузилиши ҳолатларига йўл қўйилиши мумкин.

Бундан ташқари, Жамият акциядорлари ўртасида (корпоратив келишмовчилик), жамият бошқарув ҳамда назорат органлари ва акциядор (акциядорлар) ўртасида манфаатлар келишмовчилиги ҳолатлари пайдо бўлиши мумкин.

3. Мазкур низомда манфаатлар келишмовчилиги пайдо бўлишининг қўйидаги ҳолатлари кўриб чиқилмоқда:

- мажоритар акциядорлар (йирик акция пакетлари эгалари) ва миноритар акциядорлар (кичик акция пакетлари эгалари) ўртасида;
- Жамият бошқарув органлари ва акциядор (акциядорлар) ўртасида;
- Жамият бошқарув органлари ва назорат органлари, Жамият мансабдор шахслари, ходимлари ва Мижозлари ўртасида;
- Жамият ва улар ўз хизмат вазифаларини бажариши давомида жамиятнинг мансабдор шахслари, ходимлар ўртасида.

II. НИЗОМ ТАЪСИРИГА ТУШАДИГАН ШАХСЛАР

4. Ушбу Низом қоидалари, эгаллаб турган лавозимидан катъий назар, унинг бошқарув ва назорат органлари, шунингдек барча ходимларига тааллуқлидир.

5. Мазкур низом қоидаларига риоя этиш талаблари, агар тегишли мажбуриятлар улар билан тузилган шартномага, жамиятнинг ички ҳужжатларига киритилган бўлса ёкитўғридан-тўғри қонундан келиб чиқадиган бўлса, Жамият билан фуқаролик хуқуқий шартнома асосида хамкорлик қилаётган жисмоний шахсларга хам тааллуқлидир.

III. ЖАМИЯТДА МАНФААТЛАР КЕЛИШМОВЧИЛИГИНИ БОШҚАРИШНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

6. Жамиятда манфаатлар келишмовчилигини бошқариш қўйидаги тамойилларга асосланади:

- хақиқий ёки пайдо бўлиши мумкин бўлган манфаатлар келишмовчилиги ҳақидаги маълумотларни ошкор этиш зарурлиги;
- ҳар бир манфаатлар келишмовчилиги аниқланганда, Жамият обрўсига боғлиқ хавфларни баҳолаш ва якка тартибда кўриб чиқиш,уни тартибга солиш;
- манфаатлар келишмовчилиги ва уни тартибга солиш ҳақидаги маълумотларни ошкор этиш жараёнининг қатъий махфийлигини таъминлаш;
- манфаатлар келишмовчилигини тартибга солишда Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари ва унинг ходимлари манфаатлари мувозанатини таъминлаш;
- Жамият томонидан тартибга солиниши эришилган, ва мавжуд манфаатлар келишмовчилигини ўз вақтида ошкор этган ходимни таъқибдан ҳимоя қилиш.

IV. МАНФААТЛАР КЕЛИШМОВЧИЛИГИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШ САБАБЛАРИ (ШАРТЛАРИ).

7. Жамиятнинг мажоритар ва миноритар акциядорлари ўртасида ва Жамият бошқарув органлари ва акциядорлари ўртасида манфаатлар келишмовчилиги қўйидаги ҳолатларда пайдо бўлиши мумкин:

- қонунчилик талаблари, Жамиятнинг меъёрий ва ички ҳужжатлари талабларига риоя этилмаганда;

- миноритар акциядорларнинг Жамият фаолиятига, акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши қарорларига сезиларли таъсир эта олмаслиги;

- жамиятнинг йирик битимлари ва аффилланган шахслар билан битимларини ваколатли бошқарув органлари билан олдиндан келишмай туриб тузилишига йўл қўйилганда;

- Жамият бошқарув органлари томонидан жамият молиявий ҳолатининг ёмонлашишига олиб келувчи қарорлар қабул қилинганда;

- Жамият бошқарув органига кирувчи шахсларнинг бошқа ташкилотлар бошқарув органларида эгаллаб турган лавозимлари, бошқа жамиятлардаги улушлари ҳақида амалдаги қонунчиликка мувофиқ ахборотлар ошкор этилмаганда ёки тўлиқсиз маълумотлар берилганда;

8. Жамият бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари, ходимлари ва Мижозлари ўртасида манфаатлар келишмовчилиги қўйидаги ҳолатларда пайдо бўлиши мумкин:

- қонунчилик талабларига, Жамиятнинг таъсис ва ички ҳужжатларига риоя этмаслик;
- Жамият акциядорларининг манфаати устуворлиги тамойилига риоя этмаслик;
- ишбилан боғлиқ ўзаро муомала меъёрлари ва профессионал этика қоидаларига риоя этмаслик;
- Жамият томонидан ҳам, шунингдек мижоз томонидан ҳам шартнома мажбуриятларига риоя этмаслик;
- қонунчилик ва жамиятнинг ички ҳужжатлари билан белгиланган ўз мажбуриятлари талабларининг бажарилмаслиги;

9. Жамият ва мансабдор шахслар, ходимлар ўртасида манфаатлар келишмовчилиги қўйидаги холатларда пайдо бўлиши мумкин:

- қонунчилик ва жамиятни ички хужжатлари талабларини бажармаслик;
- иш билан боғлиқ ўзаро муомала меъёрлари ва профессионал этика қоидаларига риоя этмаслик;
- ўзи ва оила аъзолари томонидан тижорат фаолият олиб борилса;
- Жамиятнингиш билан боғлиқ ўзаро муомалада бўлган бошқа компанияда молиявий манфаатлари мавжуд бўлса;
- бошқа ташкилотда раҳбар, мансабдор шахс лавозимларида ўриндошлик бўйича фаолияти мавжуд бўлса ёки уни бошқарув органларида иштирок этса;
- шахсий манфаатларни кўзлаб, Жамиятга зиён етказиши мумкин бўлган ҳолда бошқа ташкилотларга ишбилармонлик имкониятлари тақдим этилса.

V. МАНФААТЛАР КЕЛИШМОВЧИЛИГИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ

10. Жамият Низоми ва ички хужжатларида манфаатлар келишмовчилигини бартараф этишнинг умумий механизмлари инобатга олинган.

Мазкур низомда манфаатлар келишмовчилигини бартараф этишнинг Жамият бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари бажариши шарт бўлган чора-тадбирлари белгиланган.

11. Ҳар қандай ҳолатлардаги манфаатлар келишмовчилигини бартараф қилиш мақсадида жамият бошқарув органлари, назорат органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари қўйидагиларни бажаришлари шарт:

- қонунчилик, меъёрий ҳужжатлар, Жамият устави ва ички низомлари талабларига риоя этиш;
- жамиятнинг ўрта ва узоқ муддатга белгиланган стратегиясида қатъий даромадли фаолият амалга оширилишини таъминлаш;
- манфаатлар келишмовчилиги пайдо бўлишига олиб келадиган ҳаракатларни бажаришдан ва қарорларни қабул қилишдан сақланиш;
- жамиятнинг самарали бошқарилишини таъминлаш;
- жамиятнинг қонунга хилоф фаолиятларга, шу жумладан жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришгажалб этилиши имкониятларини умуман йўқ қилиш;
-товарлар (ишлар ва хизматлар) ишлаб чиқаришда имкон даражасида юқори натижаларга эришилишини таъминлаш;
- қонунчиликка мувофиқ жамиятнинг ваколатли бошқарув органи олдида ҳар чоракда ҳисобот бериш;
- Жамият Устави ва ички ҳужжатларга мувофиқ ички ва ташқи назорат амалга оширилишини таъминлаш;
- йирик битимлар, миқдори қонунчилик ва Жамият Низомида белгиланган қийматдан юқори бўлган алоҳидаёки ўзаро боғланган бир нечта битимларни кузатув кенгаши муҳокамасига тақдим этиш;
- жамият назорат органлари томонидан жамиятнинг йирик битимлари ва аффилланган шахслар билан тузиладиган битимларини тузиш шартларини ўрганиб чиқилишини таъминлаш;

- қонунчилик талабларига мувофиқ битимлар тузилиши ҳақидаги қарорлар кузатув кенгаши томонидан маъқулланганда, битимга жалб этилаётган мулкнинг бозор қийматини белгилаш зарурияти пайдо бўлса, мустақил баҳоловчи жалб қилиниши мумкин;

- аффилланган шахслар ҳакидаги ахборотлар ҳисоби олиб борилишини таъминлаш;

- битимларни тузиш тартибини ишлаб чиқиш ва риоя қилинишини таъминлаш;

а) аффилланган шахслар билан;

б) Жамият акциядорлари ва уларнинг аффилланган шахслари билан;

- Жамият ваколатли органларининг олдиндан маъқуллашисиз йирик битимлар ва аффилланган шахслар билан битимларни тузмаслик;

- Жамиятнинг юқори бошқарув органи рухсатисиз бошқа юридик шахсларнинг бошқарув ва назорат органларида лавозимларни эгалламаслик;

- амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ жамият фаолияти ҳақидаги ахборотларнинг ва Жамиятнинг ахборот сиёсати ҳақидаги низомига мувофиқ қўшимча ахборотларнинг ошкор этилишини таъминлаш;

- акциядорларга, мижозларга, бошқарув ва назорат органларига, манфаатдор шахсларга тақдим этилаётган бухгалтерия ҳисоботлари ва бошқа эълон этиладиган ахборотлар ишончлилигини таъминлаш;

- жамият борасидаги ахборотларга эга шахсларнинг бу ахборотларни шахсий мақсадларида фойдаланишлари олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва такомиллаштирилишини таъминлаш;

- Оммавий ахборот воситалари ва бошқа манбаларда эълон этилган Жамият ҳақидаги салбий ахборотларнинг ҳаққонийлигини ўз вақтида кўриб чиқиш. Жамият фаолияти ҳақида пайдо бўлган ҳар бир салбий ва ишончсиз ахборотни ўз вақтида таҳлил қилиб чиқиш;

- Жамият ички назорат тизимининг камчиликларини аниқлашда иштирок этиш;

- бошқарув ва назорат органларига тўланаётган рағбатлантиришларнинг Жамият молиявий ҳолати, шунингдек Жамият фаолияти давомида эришган натижаларнинг белгиланган режа кўрсатгичларига нисбатан бажарилиши даражасига мослигини таъминлаш;

- корпоратив ва профессионал этика тамойилларига риоя этиш;

12. Жамият акциядорлари, бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслар ва ходимлар ҳамда акциядор (акциядорлар) ўртасида манфаатлар келишмовчилиги пайдо бўлмаслиги мақсадида Жамият бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари қўйидагиларга мажбур:

- “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунда, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда, Жамият Устави ва ички хужжатларида белгиланган мажоритар ва миноритар акциядорларнинг ҳуқуқларига риоя этиш;

- амалдаги қонунчиликга асосан эълон қилиниши зарур бўлган ахборотларни акциядорларга ўз вақтида етказилишини таъминлаш;

- ҳисобланган дивидендларни ўз вақтида тўлаш;

- келишмовчиликга сабаб бўлиши мумкин бўлган ҳолатлар бўйича акциядорларга тўлиқ маълумот тақдим этиш;

- тузилишидан бошқарув органлари аъзолари манфаатдор бўлган битимлар, жумладан рақобатчи жамият акциялари (улушлари) сотиб олиниши борасидаги

битимларни аниқлаш ҳамда бошқарув органлари таркибидаги манфаатдор шахсларни аниқлаш;

- жамиятни бошкарув буйича карорларни қабул қилишда ҳаққонийлик, мувозанатли ва холисона ёндашув таъминланиши учун Кузатув кенгаши таркибига мустақил аъзолар номзоди таклиф этилишига харакат килиш.

13. Бошқарув ва назорат органлари ўртасида, мансабдор шахслар, ходимлар ва мижозлар ўртасида манфаатлар келишмовчилиги пайдо бўлмаслиги учун бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслар, жамият ходимлари яна қўйидагиларга мажбурдир:

- жамият ҳақидаги ахборотларнинг белгиланган тартибда тақдим этилишини таъминлаш;

- махфий ва бошқа муҳим ахборотлардан фойдаланиш тартибига қатъий риоя қилинишини таъминлаш;

- мижозга товар (хизмат)ларни сотиш ва уларнинг тўловини олишда ўзаро келишув негизида тузилган шартнома шартларида белгиланган нархлар ёки тўлиқ ошкор этилган тарифларга риоя этилишини таъминлаш;

- Жамият шаънига салбий таъсир курсатиши мумкин булган мижозлар билан битимлар тузилишига йўл қўймаслик;

- ўз мижозларига товар ва хизматларни профессионал, оқилона, масъулиятли, инсофли ёндашув билан сотиш;

- мижознинг кўриниб турган хатога (шу жумладан мижозлар томонидан имзоланганшартнома, ариза ва бошқа ҳужжатлардаги хатоларга) йул куйиши жараёнидан жамият ходимлари,шахсий манфаатларни кузлаб, онгли равишда фойдаланишларига йўл қўймаслик. Мижоз ҳужжатларида шундай хатолар аниқланган такдирда, жамият ходими мижозни бу хакда огоҳлантириб, ушбу хатолари мавжуд хужжат ижросининг олдини олишга ҳаракат қилиши зарур.

- мижозга берилаётган тавсиялар мазкур масала бўйича мавжуд бўлган оқилона таҳлилларга асосланган бўлиши керак;

- жамиятнинг қоғозда, магнит ёки бошқа турдаги ахборот ташувчи воситаларида сакланаётган, хизмат ёки тижорат сири ҳисобланган ахборотлари жамият бошқарув органлари, ваколатли мансабдор шахслари рухсатисиз сотиш,бериб юбориш, нусха олиш, кўпайтириш, алмаштириш ва бошқа турдаги тарқатиш воситаси булишига йул куймаслик учун жамият фаолияти давомида яратилган, орттирилган ва тўпланган ахборотларни сақлаш тизимини такомиллаштириш,;

14. Жамият ва мансабдор шахслар, ходимлар ўртасида, хизмат вазифаларини бажариш давомида содир булиши мумкин булган манфаатлар келишмовчилигини бартараф этиш учун мансабдор шахслар ва ходимлар қўйидагиларга мажбур:

- ишбилан боғлиқ ўзаро муомала қоидалари ва профессионал этика тамойилларига риоя этиш;

- шартномаларни белгиланган тартибда тузиш;

- юқори турувчи мансабдор шахс ёки жамиятнинг бошқарув ва назорат органларини Жамиятга рақобатчи бўлган ташкилотнинг улуши(акцияси)ни олиш мақсади тўғрисида хабардор этиш;

- юқори турувчи мансабдор шахсларни манфаатлар келишмовчилиги ҳолати пайдо бўлишига олиб келувчи ҳолатлар пайдо бўлгани тўғрисида ўз вақтида хабардор этиш;

- жамият тижорат фаолияти олиб бораётган ёки фаолият олиб боришни режалаштираётган ташкилотларда мансабдор шахс ёки унинг оила аъзоларининг молиявий манфаатлари мавжудлиги ҳақида юқори турувчи мансабдор шахсни ёзма шаклда хабардор этиш;

- мансабдор шахс ёки унинг оила аъзоларининг молиявий манфаатлари мавжуд бўлган ёки улар афилланган шахси хисобланувчи ташкилотлар билан Жамият ўртасидаги муносабатларга бевосита таъсир кўрсатадиган ҳар қандай фаолиятлардан сакланиш;

- манфаати Жамият манфаатларига қарама-қарши бўлиши мумкин булган бошқа ташкилотнинг бошқарув органларида иштирок этиш учун олдиндан Жамият юкори бошкарув органи рухсатини олиш;

- бошқа ташкилотда ўриндошлик асосида ишлаш нияти,шунингдек бажарилиши кутилаётганиш Жамият манфаатларига қарши таъсир курсатмаслиги хақида юқори турувчи мансабдор шахсни хабардор этиш;

VI. МАНФААТЛАР КЕЛИШМОВЧИЛИГИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ.

15. Жамиятда пайдо бўлаётган манфаатлар келишмовчилигини тартибга солиш учун Жамиятнинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари келишмовчиликни ҳал этишнинг конуний ва асосли, Жамият манфаатларига жавоб берадиган ечимни топиш максадида судловгача хал этиш жараёнларини амалга оширадилар.

16. Жамиятнинг мутасадди мансабдор шахслари,Жамият бошқарув ва назорат органлари номига, корпоратив котиб ва ташкилий бўлинмалар номига акциядор ва мижозлардан келиб тушаётган хатлар, аризалар ва талаблар(шу жумладан оғзаки)ни ўз вақтида расмийлаштирилиши ва кўриб чиқилишини таъминлаши зарур.

17. Корпоратив келишмовчиликларни ҳисобга олиш Жамият корпоратив котибига юклатилади. Жамият корпоратив котиби корпоратив келишмовчиликка бошланғич баҳо бериб, масала моҳияти бўйича керакли ҳужжатларни тайёрлайди ва Жамият Кузатув кенгаши билан келишилган ҳолда, мазкур корпоратив келишмовчиликни куриб чикиш уз ваколатига кирувчи жамият органига топширади.

18. Жамият корпоратив котиби энг куп пайдо буладиган манфаатлар келишмовчиликларини таҳлил қилади, бу холатлар бўйича келишмовчиликка катнашаётган томонларнинг ҳаммасига қўшимча ахборот бериш зарурлиги ҳақида қарор қабул қилади ва/ёкибундай келишмовчиликга сабаб булаётган жараёнлар олди олиниши максадида Жамиятнинг ваколатли бошкарув органи раҳбарига ички тартиб ва йўриқномаларга ўзгартириш киритиш, келишмовчиликлар сабабларини бартараф қилиш буйича бошка чора-тадбирларни белгилаш таклифини киритади.

19. Мижоздан ёки бошқа манбалардан келишмовчилик холати ҳақида хабар олган ходим зудлик билан бу ҳақда юқори турувчи мансабдор шахсни хабардор қилиши зарур. Агар келишмовчиликни ташкилий бўлинма даражасида ҳал этиш имкони бўлмаса, бўлинма раҳбари бу ҳақда бир иш куни давомида ижро органи раҳбари ёки унинг ўринбосарини мавжуд келишмовчилик, унинг сабаблари, қўлланилган хал этиш чора-тадбирлари ҳақида хабардор килиши керак. Ижро органи раҳбари ёки унинг ўринбосари келишмовчиликни ҳал этиш тартибини белгилайди ва бу вазифа борасида ваколатли шахсни тайинлайди. Зарур ҳолатларда манфаатлар келишмовчилигини ҳал этиш учун комиссия тузилади.

20. Ваколатли шахс (комиссия) манфаатлар келишмовчилигини ҳал этиш учун барча чораларни кўради. Манфаатлар келишмовчилигини ҳал этиш имкони бўлмаса ижро органи раҳбари ушбу масалани бошқарув мухокамасига киритади, келишмовчилик ҳақидаги маълумотларни кузатув кенгаши раисига йуллайди.

21. Ушбу маълумот кузатув кенгаши қошидаги манфаатлар келишмовчиликларини аниқлаш ва ҳал этиш учун тузилган қўмитада (ишчи гуруҳда) кўриб чиқилади.

22. Келишмовчилик хақидаги ахборот, уз ривожи давомининг қайсидир босқичида Жамият ижро органи раҳбари ёки унинг ўринбосарлари манфаатига такалса ёки такалиши мумкин бўлса, бу ахборот уч иш кунидадавомида келишмовчиликни тартибга солиш ҳақида қарор қабул қилиш учун Кузатув кенгашига берилади. Ушбу келишмовчилик хақидаги ахборот кейинчалик қўмита (ишчи гуруҳ) томонидан кўриб чиқилади ва Кузатув кенгашига мазкур масала бўйича хулоса берилади.

23. Агар келишмовчиликни кўриб чиқиш натижасида Жамиятнинг амалдаги ички ҳужжатларига ўзгартириш киритиш ёки янги ички хужжат тайёрлаш зарурияти пайдо бўлса, Кузатув кенгаши ёки ижро органи ҳужжатларга тегишли ўзгаришлар киритиш ёки ички хужжат тайрлаш ҳақида қарор қабул қилади.

24. Жамият бошқарув органлари жамиятда пайдо буладиган ҳар қандай манфаатлар келишмовчилигини тартибга солиш учун қўйидагиларга мажбур:

- пайдо бўлаётган манфаатлар келишмовчилигини ва уларнинг сабабларини тезкор аниқлаш;
- Жамият бошқарув органларининг ваколати ва масъулиятини аниқ белгилаш;
- келишмовчиликни тартибга солиш учун жамиятнинг ваколатли шахсини белгилаш ёки зарур ҳолатларда келишмовчиликни тартибга солувчи комиссия тузиш;
- қисқа муддатларда келишмовчилик моҳияти бўйича Жамият фикрини белгилаш, тегишли қарор қабул қилиш ва бу маълумотларни келишмовчиликнинг иккинчи тарафига етказиш;
- келишмовчилик бўйича иккинчи тарафга Жамиятнинг бу ҳақидаги аниқ асослантирувчи қарорини тўлиқ ва мукаммал жавоб тариқасида жўнатиш, келишмовчилик иштирокчисининг илтимоси ёки талабини рад этиш ҳақида унга қонунчилик, меъёрий далолатномалар, Жамият Устави ва ички ҳужжатларига асосланган жавоб йўллаш;
- келишмовчиликни тартибга солиш жараёнига иштирок этувчи ваколатли шахс, ушбу келишмовчилик унинг ёки унинг оила аъзолари манфаатларига таъсир қилиши ҳақида зудлик билан хабар беришини таъминлаш;
- келишмовчиликда шахсий манфаати мавжуд бўлган шахсларнинг келишмовчиликни тартибга солиш ва бу борада қарор қабул қилиш жараёнларида иштирок этмаслигини таъминлаш;

25. Акциядорлар ўртасида, Жамият бошқарув органлари ва акциядорлар ўртасидаги келишмовчиликни тартибга солиш учун:

- Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси Жамият акциядорлари ўртасида пайдо бўлган келишмовчиликни тартибга солишда воситачи сифатида ҳаракат қилиши мумкин;
- келишмовчиликни тартибга солиш жараёнида Жамиятнинг ваколатли шахси ёки ваколатли органи акциядорлар ўртасидаги музокараларда иштирок этиши мумкин, уларнинг ихтиёрида бўлган ва келишмовчиликка алоқаси бўлган маълумотларни акциядорларга тақдим этиши мумкин, қонунчилик ва Жамият Устави, ички ҳужжатлари меъёрлари ҳақида тушунча бериши мумкин;

- Жамиятнинг ваколатли шахси ёки ваколатли органи акциядорларга маслахатлар ва тавсиялар беради, келишмовчиликни тартибга солиш ҳақидаги ҳужжатлар лойихасини тайёрлайди ва акциядорларга имзо учун тақдим этади, акциядорлар олдида Жамият номидан ўз ваколати доирасида келишмовчиликларни тартибга солишнинг имкон даражасидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади;

- Жамият бошқарув органлари ўз ваколатлари доирасида корпоратив келишмовчилик олди олиниши борасидаги қарорлар бажарилишини таъминлаши ва Жамият номидан келишмовчилик иштирокчиси билан ўзаро имзоланган келишув шартларининг бажарилишига ёрдам бериши зарур. Агар Жамият ва келишмовчилик тарафи ўртасида уларнинг мажбуриятлари мазмун мохияти бўйича низо бўлмай, мажбуриятларни бажариш муддатлари, тартиблари ва усуллари бўйича низолар пайдо бўлса, у ҳолда Жамият келишмовчилик иштирокчисига низоларни ҳал этишни таклиф қилади ва акциядор талабларини қаноатлантиришнинг Жамият учун мақбул бўлган шартларини таклиф қилади;

- агар акциядор талабини Жамоат томонидан қаноатлантирилишининг қонунчиликда, Жамият Устави ва ички ҳужжатларида акциядор томонидан муайян ҳаракатлар бажарилиши назарда тутилган бўлса, у ҳолда Жамият ўз жавобида ушбу шартлар моҳиятини тўлиқ кўрсатиб ўтади ва уларни бажариш учун зарур бўлган маълумотларни маълум қилади (масалан, акциядор томонидан тақдим этилиши сўралган ҳужжатлар нусхаларини тайёрлашга кетган харажатлар учун тўлов миқдори ёки Жамиятнинг банк реквизитлари ва хоказолар).

26. Колишмовчиликларни ҳал этишнинг мазкур чора-тадбирлар рўйхати тўлиқ деб ҳисобланмайди. Ҳар бир аниқ ҳолатда, манфаатлар келишмовчилигининг пайдо бўлиш сохасига қараб келишмовчиликни тартибга солишнинг бошқа усуллари хам қўлланилиши мумкин.

VII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

27. Мазкур низом ва унга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик овози билан тасдиқланади.

28. Агар мазкур низомнинг айрим моддалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ёки Жамият Уставига нисбатан қарама-қаршилик холатини туғдирса, у ҳолда бу моддалар ўз кучини йўқотади ва мазкур низомга тегишли ўзгартиришлар киритилгунга қадар ўша моддаларга тегишли қисмлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ёки Жамият Уставига асосан ҳал этилади.